


12-28-2020

## VIEWS OF EASTERN THINKERS ON EDUCATION

Dildora Kahharova PhD, Associate Professor  
*Bukhara State University, Bukhara, Uzbekistan*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>

 Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

---

### Recommended Citation

Kahharova, Dildora PhD, Associate Professor (2020) "VIEWS OF EASTERN THINKERS ON EDUCATION," *Philology Matters*: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 9.  
DOI: 10.36078/987654470  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2020/iss4/9>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).



## Дилдора Қаххорова

Бухоро давлат университети доценти, педагогика  
фанлари бўйича фалсафа доктори

### ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БОРАСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

#### АННОТАЦИЯ

Ёшларни замонга мос интеллектуал инсон бўлиб тарбияланишида Шарқ алломалари ва мутафаккирлари қолдирган меросдан фойдаланиш долзарб муаммолардан биридир. Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари, Ибн Сино, Форобий, Беруний, Мирзо Улуғбек, Юсуф Хос Ҳожиб ва бошқалар ўз асарларида ёшлар тарбиясига оид қарашларни келтириб ўтганлар, улар яратган манбалардан даврлар кесимида таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш муҳимдир. Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг бола таълим-тарбиясидаги қарашларидан инклюзив таълимни такомиллаштиришда ҳам фойдаланиш мумкин. Инклюзив таълим муҳитида нуқсонли болаларнинг заиф томонларини ҳисобга олган ҳолда, қобилиятига қараб машғулотлар олиб борилади. Шунда боланинг жамоада ишлай билиши, ишни ҳамкорликда режалаштириш, фаолият мазмунини бойитиш, маданий-гигиеник кўникмаларни ўзлаштириш каби ижтимоий мослашуви ҳам тезлашади. Ундан яна фикрлаш кўникмаси, катталар ҳамда синфдош ўртоқларини тушуниш, улар билан ҳамкорлик қилиш ҳам талаб этилади. Тадқиқотнинг вазифаси алоҳида эътиборга муҳтож болаларнинг мактабга қадам қўяётганида нечоғли билимга эгаллиги эмас, балки унинг янги билимларни эгаллашга тайёргарлиги, атроф-оламга мослашиш кўникмаси, воқеа-ҳодисани мустақил равишда таҳлил этиши ва ҳаракат қилиш кўникмаларини ўзлаштириши муҳим

## Dildora Kahharova

PhD, Associate Professor, Bukhara State University

### VIEWS OF EASTERN THINKERS ON EDUCATION

#### ABSTRACT

The use of the legacy of Eastern scholars and thinkers in the upbringing of young people as modern intellectuals is one of the urgent problems. The hadiths collected by Imam al-Bukhari, the teachings of Naqshbandi, the teachings of Tirmidhi, the wisdom of Yassavi, the works of Ibn Sina, Farobi, Beruni, Mirzo Ulugbek, Yusuf Khas Hajib and others provide views on the education of youth, the use of their sources in the educational process important. The views of Eastern scholars and thinkers on child education can also be used to improve inclusive education. In an inclusive learning environment, classes are conducted according to the abilities of the children with disabilities, taking into account their weaknesses. Then the child's social adaptation, such as the ability to work in a team, joint work planning, enrich the content of activities, the acquisition of cultural and hygienic skills, will be accelerated. It also requires thinking skills, understanding of adults and classmates, and collaboration with them. The task of the study is not how much knowledge children with special needs have when entering school, but how important it is for them to be ready to acquire new knowledge, adapt to the environment, analyze events independently and master movement skills.

**Key words:** inclusive education, education, skill, ability, weakness, mental knowledge, spirituality, spiritual growth, character, religion, tradition, morality.

эканлигини ўрганишдан иборат.


**Калит сўзлар:** инклюзив таълим, таълим-тарбия, кўникма, қобилият, заиф томон, ақлий билим, маънавият, рухий юксалиш, характер, дин, урф-одат, одоб-ахлоқ.

## КИРИШ

Шавкат Мирзиёев “Мамлакатимиздек бой тарих, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қаерда йўқ”, деган эди. Дарҳақиқат, Шарқ алломалари, олиму мутафаккирлар қадимдан адаб илмини чуқур ўрганиб, ривожлантириб келганлар. Айниқса, ҳар тарафлама гўзал, одобли, яхши хулқли ва ҳаёли бўлишга, нафсни поклашга буюрувчи муқаддас ислом дини бу соҳада улкан ўзгаришлар сабабчисидир. Юртда азал-азалдан одоб-ахлоқ ва таълим-тарбияга катта эътибор берилган. Ҳадисларда, алломаларнинг ўғитларида инсон маънавий камолотининг асоси бўлган одоб-ахлоқ ва тарбиянинг барча жиҳатлари ўз ифодасини топган. Фарзанд – ҳаётнинг безаги, оиланинг қувончу шодлиги. Фарзанд Аллоҳнинг бандасига берган энг улуғ неъматидир. Ҳар қайси инсон ўз фарзандининг яхши, баркамол инсон бўлиб етишишини орзу қилади. Катта бўлгач, жамиятда ўзига муносиб ўринни эгаллаб, Ватанига содиқ, элу халқининг хизматига тайёр, виждонли ва диёнатли бўлишини ният қилади.

Ҳар бир инсоннинг ўзигагина хос имкониятлари мавжудлиги ва унга ҳамиша жиддий эътибор бериш зарурлиги ҳақида буюк Шарқ мутафаккирлари Юсуф Хос Ҳожиб, Ибн Сино, Форобий, Беруний ва Мирзо Улубек ўз замонида фикрларини алоҳида қайд этиб ўтганлар. Масалан: Юсуф Хос Ҳожибнинг “Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлар, билим қайда бўлса буюклик бўлар”, Мирзо Улубекнинг “Ишга яраб қолса илминг бир муддат, яна оширмоқни айлагил шиддат”, Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир” деган ўғитларини таъкидлаш мумкин. Бола шахсини тарбиялаш учун, даставвал, унинг «бетақрор оламига» кира олиш ва шунга мос тарбиявий тадбирлар режасини тузиш, қўллаш лозим.

Жумладан, Абу Наср Форобий педагогик масалалар ва улар билан боғлиқ бўлган психологик, физиологик муаммоларни ижобий ҳал этишда, инсонни ақлий билими, маънавияти, руҳи, интеллектуал ва ахлоқий хислатлари, характери, дини, урф-одатлари, маълумоти ташқи муҳит, бошқа инсонлар билан мулоқотида вужудга келишини, инсон ўз фаолияти ёрдамида уларни эгаллаши ҳақида гапиради. Инсоннинг ақли, фикри, рухий юксалишининг маҳсули бўлади, деб таъкидлайди.




### 1-диаграмма. Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг таълим-тарбияни ривожлантириш давлари

Дунё яралгандан буён ва инсон деб аталган улуғ зот унда пайдо бўлгандан бошлаб унинг табиатга мослашиши ва таълим-тарбияси тўғрисида турлича қарашлар юзага келган. Ҳазрати инсон ва унинг тараққиёти, ҳаётдаги ривожланиши тўғрисида, айниқса, Шарқ алломаларининг қарашлари ва хулосалари алоҳида ўрин туради. Шарқ мутафаккирлари ва алломаларининг қарашларини шартли равишда даврларга ажратиш мумкин ва уларнинг яратган асарлари, илмий меросларини йиллар ва даврлар кесимида Шарқ алломалари ва мутафаккирларидан Юсуф Хос Ҳожиб асарлари, Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари, Ибн Сино, Форобий, Беруний, Мирзо Улубек битикларида бола тарбиясига доир ўз қарашларини келтириб ўтганлар, улар яратган манбаларни даврлар кесимида инклюзив таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг ижтимоий ҳаётда таълим-тарбияни ривожлантириш борасидаги яратган манбалари даврлар кесимида иловаларда тақдим этилган (1-диаграммага қаранг).

Тадқиқот ишида умумтаълим мактабларда инклюзив таълимнинг педагогик-психологик фаолиятни такомиллаштиришда, алоҳида эътиборга муҳтож бўлган ва оддий ўқувчилар орасидаги муносабат, мулоқотчанлик, мослашувчанлик, шунингдек, жалб этилган ўқувчилар касаллик ташхисларидан келиб чиқиб, турли коррекцион педагогик-психологик методларни доимий олиб бориш, мавжуд муаммоларни ҳал этишда ёрдам беради. Булар инклюзив таълим-тарбия тизимининг сифат-самарадорлигини оширишда, интеграциясида етарли даражада хизмат қилади. Бу жараёнда болаларни руҳий ҳолат, кечинмалари таҳлил қилинган.


Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг таълим-тарбияни ривожлантиришда яратилган асарлари ва қолдирган манбалар даврлар кесимида

2-диаграммада шаклида келтирилган.



**2 - диаграмма. Яратилган асарлар ва манбалар йиллар ва даврлар кесимида**

Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг таълим-тарбияни ривожлантиришга йўналтирилган асарлари ва қолдирган маънавий мероси йиллар ва даврлар кесимида (3-диаграммага қаранг) ўсиш динамикаси келтирилган. Диаграммада улуғларнинг таълим-тарбияга бағишланган асарлари динамикаси 6 даврда акс этган.



**3-диаграмма. Яратилган манбалар динамикаси**

Шарқона таълим-тарбияга бағишланган асарлардан энг қадимийси зардуштийликнинг муқаддас китоби – “Авесто”да оила муқаддас даргоҳ эканлиги, оила барқарорлигида эр ва хотиннинг тенг масъуллиги, фарзанд

тарбияси тўғрисидаги фикрлар баён этилган. Оиланинг тинч ва фаровон бўлиши нималарга боғлиқ эканлиги ҳақида: “Порсо инсон уй тиклаб, оловга, оиласига, хотин ва фарзандларига ўрин ажратиб берса, уйда ноз-неъматлари муҳайё бўлиб, хотин ва фарзандлари фаровон яшаса, уйда эътиқод, собит олови алангали, бошқа нарсалари ҳам мўл-кўл бўлса, ўша манзил мухтарамдир”, – деб ёзилган [Ҳ. Ҳомидий; 49]. Бу китобда кўрсатилишича, оилада ота етакчи бўлиши лозим. Шунингдек, унда ифодаланган оила ва оилавий муносабатларга ҳамма риоя этган. Энг аҳамиятли жиҳати шундаки, унда эр-хотиннинг ўзаро содиқ, ғамхўр, меҳрибон бўлиши лозимлиги ва аёлнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш ўша даврда ҳам қонун даражасига кўтарилганлигини кўрсатади. Умуман олганда, зардуштийлик даврида ҳам оила масаласига катта эътибор қаратилган бўлиб, бу оиланинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш учун азал-азалдан замин яратилганлигини кўрсатади. Бу таъкидланган оилага хос жиҳатлар инклюзив таълимда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

**Имом ал-Бухорий** (810 – 870) “Ҳадис илмида амир ал-мўминийн” деган шарафли номга сазовор бўлган буюк алломадир. У тўплаган ҳадислар оилада фарзанд таълим-тарбияси, оила ҳаёти ва жамият манфаати учун муҳим аҳамият касб этади. Тарбия фарзанд дунёга келмасидан олдин бошланади. Кичик ёшдаги ҳар бир бола ўз ҳаётида учрайдиган воқеа ва ҳодисаларни синчковлик билан кузатиб боради. У катталарга таклид қилиб, ҳар қандай хатти-ҳаракатни ўзи ҳам синаб кўришга интилади. Ана шунинг учун ҳам ҳар бир ота-онадан намунали ҳаёт кечириб, фарзандларига ҳар тарафлама ўрнак ва ибрат бўлишлари талаб этилади [Маънавият юлдузлари, 1999; 76].

**Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий** (824 – 892) ўз даврининг етук муҳаддис (ҳадис илми) олими сифатида танилган бўлиб, унинг қаламига мансуб асарларнинг аксарияти бизгача етиб келган. Олимнинг “Ал-жомий” (“Жаъмлловчи”) асари битиклари ичида энг машхури бўлиб, саҳих ҳадислар тўпламларидан биридир. Ат-Термизий: “Бир кишининг ўз фарзандига тарбия бериши ҳар кун садақа беришидан кўра хайрлироқдир” [Қуроноф М., 1998; 114] – дейди ва бу ўғити билан оилада бола тарбияси энг савобли иш эканлигини таъкидлайди. Аллома “Ал-жомий” асарида Пайғамбаримизнинг бола-чақасига қарайдиган ҳеч кими йўқ инсон жангга бормоқчи бўлганида: “Фарзандларинг олдига қайт, зеро, уларнинг тарбияси бундан-да савоблироқдир”, деган ҳадиси ўрин олган. Яна бир ҳадисда: “Бир ота ўз фарзандларига гўзал одобдан аълороқ нарса инъом эта олмайди” [Қуроноф М., 1998; 115], – деб таъкидлаган. Дарҳақиқат, ота-она нафақат сўзи, балки хатти-ҳаракати билан ҳам фарзандларига ўрнак бўлади, унга устозлик қилади. Бола вақтини ким билан кўпроқ бирга ўтказса, ўша одамдан кўпроқ таъсирланади ва ибрат олади. Ўша одамнинг аҳволини ўзлаштиради, ундаги онг ва тушунчани ўзи учун ҳаёт шиорига айлантиради. Фарзанд тарбияси ота ва онанинг энг асосий вазифасидир. Уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, айтган сўзи боланинг тарбиясига таъсир этади. Чунки бола оиласида кўрган ва эшитган ҳар бир воқеа ва ҳодисани ўз онгига муҳрлаб олади.

**Абу Наср Форобий** (873 – 950) жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган

олим. Шарқ мамлакатларида унинг номи улуғланиб “Ал-Муаллим ас-соний” – “Иккинчи муаллим” (Аристотелдан кейин), “Шарқ Арастузи” деб юритилади. Форобий ўрта аср даври табиий-илмий ва ижтимоий билимларининг қарийб барча соҳаларида 160дан ортиқ асар яратган. У турли билимларнинг назарий томонлари, фалсафий мазмуни билан кўпроқ қизикқанлиги учун асарларини 2 гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин: 1) юнон файласуф ва табиатшуносларининг илмий меросини изоҳлаш, тарғиб қилиш ва ўрганишга бағишлаган асарлари; 2) фаннинг турли соҳаларига оид мавзулардаги асарлар. Унинг талқинича, математика, табиатшунослик, метафизика фанлари инсон ақлини билимлар билан бойитиш учун хизмат қилса, грамматика, мантик, шеърят каби илмлар фанлардан тўғри фойдаланишни, билимларни бошқаларга тўғри тушунтириш, яъни ақлий тарбия учун хизмат қилган. Сиёсат, ахлоқ, одоб, таълим-тарбияга оид билимлар эса кишиларнинг жамоаларга бирлашувини, ижтимоий ҳаётга тегишли қоидаларни ўргатади. Абу Наср Форобий “Ақл маънолари ҳақида” рисоласида ақл масаласини чуқур талқин қилган. У ақл бир томондан, руҳий жараён, иккинчи томондан, ташқи таъсир таълим-тарбиянинг натижаси эканлигини уқтиради [Форобий Абу Наср, 2008; 4].

**Абу Райҳон Беруний** (973 – 1048) Ўрта асрларнинг буюк арбоби, олим-энциклопедисти ҳисобланади ва унинг таълим-тарбия мақсади, вазифалари, мавқеи, инсон, ёш авлоднинг ривожланиши ҳақидаги фикрлари чин маънода инсонпарварлик ва инсоншунослик замирида яратилган. Билим ва тарбиянинг табиатга уйғунлиги тамойилини мутафаккирнинг барча асарларида кузатиш мумкин. У инсонни табиатнинг бир қисми деб ҳисоблайди. Беруний таълим жараёнининг табиатига чуқур кириб бориб, болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш асосида ўқитишни уқтиради. Берунийнинг педагогик ижодида инсон ва унинг бахт-саодати, таълим-тарбияси, камолоти бош масала бўлган. Унинг кўпгина асарларида инсон одоби ва ахлоқи хусусидаги ноёб фикрлар ўз ифодасини топган.

Мутафаккир ўзининг “Минерология”, “Геодезия”, “Ҳиндистон”, “Ўтган авлодлар обидалари” номли асарларида инсон шахси, унинг камолоти, ақл-идроқи, ҳаловат ва лаззати, сабр-тоқат ва камтарлик, гўзаллик ва дид, поклик ва худбинлик каби тушунчаларга инсон руҳиятининг билимдони сифатида таъриф берган. У бундай ёзади: “Инсон жамиятда ўз қариндош-уруғлари билан бирлашиб олишга мажбурдир. Бундан мақсад бир-бирини қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳар бир кишининг ҳам ўзини, ҳам бошқаларни таъминлаш учун ишларни бажаришидир” [Зунунов А., 2008; 9]. Боланинг ижтимоийлашуви, унинг ўзига бўлган ишончи, заковатининг шаклланиши, жамиятда бошқа кишилар билан муносабатда бўлар экан, у қўллайдиган тил, маданият, оилада ота-онанинг фарзандлари билан муомаласи, қариндошлари билан бўлган муносабати асосида юз беради.

**Абу Али ибн Сино** (980 – 1037) Ўрта асрда яшаб ижод этган донишманд, табобат илмининг доҳийси. Унинг инсон руҳияти, тана ва қалбнинг бирлиги, инсон организмнинг тузилиши, ундаги нерв фаолияти ва уларнинг тармоқланиши,

ҳолатлари ҳақидаги қимматли маълумотлари ҳозирга қадар тиббиётнинг муҳим негизини ташкил этади. У ёш авлод тарбиясининг ибтидоси қандай ва нималар билан бўлиши ҳақида қуйидагиларни айтган эди: “Ёш бола бошланғич таълим ва тилга доир қоидаларни ёд олгандан кейин у машғул бўлиши мумкин бўлган касб-хунар ва санъатга мойиллигига қараб, уни шунга йўллаймиз. Агар у котибликни хоҳласа тил, хат ёзиш, нутқ сўзлаш ва одамлар билан муомала қилиш кабиларга тавсия қиламиз. Албатта, бу ўринда, боланинг майли ҳам аҳамиятга эга” [Ибн Сино Абу Али, 1996; 75]. Шунингдек, қуйидаги фикрлари ҳам эътиборга лойиқдир: “Ёш бола таълим-тарбия оладиган жойда одоб-ахлоқли, турмуш-турмуши намунали болалар бўлиши лозим. Зеро, ёш бола ҳар бир нарсани уларга тақлид қилиб ўрганади ва улар билан дўст бўлади” [Ибн Сино Абу Али, 1996; 76].

Ибн Синонинг таълим-тарбияга оид таълимотида ёш авлод тарбиясига қаратилган дастур қуйидаги қисмларни ўз ичига олади: ақлий тарбия; жисмоний соғломлаштириш; эстетик тарбия; ахлоқий тарбия; касбга ўргатиш. Абу Али ибн Сино “Тадбир ул-манзил” китобида, болаларга мадрасада таълим-тарбия бериш лозим эканлигини айтган ва биринчи ўринда болаларни мактабга қамраб олиш кераклигини таъкидлаган. Унинг фикрича, ҳар бир оилада вояга етаётган болалар мактабга қатнаши шарт, ҳамда боларнинг барчаси бир жойда жам бўлиб, таълим-тарбия олишлари мақсадга мувофиқдир.

Дарҳақиқат, тарбия фарзанд дунёга келган кундан бошланади. Бола мактабга боргунича унга подшоҳдек муомала қилинади, яъни рисоладаги барча илтимослари сўзсиз бажарилади, шўхлик ва эркаликларидан қайтарилмайди. Шундан сўнг аста-секин унга тушунтириш, катталарнинг ўзи ибрат бўлиши орқали тарбия берилади. Бу тарбия бир неча томондан олиб борилади.

Ақлий тарбиясини ошириш учун унга турли китоблар ўқиб берилади, ривоят ва ибратли ҳикоятлар сўзланади ёки ақл-заковатини ўстирадиган ўйинлар, машғулотларга жалб қилинади ва ҳаётга бўлган қизиқишини ривожлантириб бориш лозим бўлади. Руҳий тарбиясини яхшилаш учун эса ҳаёт ва ўлим, яхшилик ва ёмонлик, ахлоқ ва одоб каби боқий мавзуларда содда, бола руҳиятига мос суҳбат ва тушунтиришлар олиб бориш лозим.

Жисмоний тарбия бериш учун эса бирор-бир фойдали меҳнатга жалб қилиш, анъанавий спорт ўйинлари билан шуғулланиш, сузиш, мерганлик, чавандозлик каби машғулотларни ўргатиш мумкин. Ўсмирлик давригача ҳатти интизом билан берилган топшириқларнинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш, хулоса чиқариш, бажарилмаган вазифалари ва ноқобил амаллари учун зарурат бўлганда чора-тадбир белгилаш зарур бўлади. Ўспиринлик даврида эса боласини ота-она ўз дўсти каби тутиб, ҳар бир қилиниши лозим бўлган амал учун маслаҳатлашиб, берилган топшириқнинг оқибатини назорат қилиб бориши тарбиядаги яхши ютуқларга олиб келади.

Фарзанднинг отаси ҳақидаги фикрлари турли ёшда ҳар хил бўлади: беш ёшида “Отам ҳамма нарсани биладилар”, ўн ёшда “Отам кўп нарсани биладилар”, ўн беш ёшда “Мен ҳам отамчалик биламан”. Йигирма ёшда “Тўғриси



айтсам, отам ҳеч нарсани билмайдилар”, ўттиз ёшда “Ҳар ҳолда отам анча-мунча нарсани биладилар”, олтмиш ёшда “қанийди, отам тирик бўлганларида, улар билан маслаҳатлашган бўлар эдим”. Болалар билан мураса ва муносабатларда уларнинг бу кайфиятини ҳам инобатга олиш керак бўлади [Маънавият юлдузлари, 1999; 51–56].

Фарзандларнинг илмий савияси, касб-ҳунари билан бир қаторда ахлоқий фазилатлари ҳам кўпайиб бориши зарур. Ёш авлоднинг таълим- тарбияси тўрисида ғамхўрлик қилиш нафақат ота-онанинг, балки ҳукумат, мактаб ва ўқитувчининг муқаддас бурчларидан ҳисобланади. Лекин ҳамма ота-онанинг ҳам ўз фарзандига меҳр-оқибати ва тарбиявий муносабати бир хил эмас. Айримлар бола тарбияси хусусида жуда бепарволик қилишади. Улар учун бу дунёда фақат ўз шахсий юмушлари, моддий маблағ тўплаш йўлидаги ташвишлари биринчи ўриндаги вазифа, оила аъзоларининг ахлоқий тарбияси билан шуғулланиш эса иккинчи даражали иш кўринади. Кейинги вақтларда, афсуски, болаларда ҳасад, кўролмаслик, душманлик ҳиссини туйиш каби ёмон туйғулар шаклланипти. Бунда катта айбдор ота-оналар ҳисобланади. Ота-оналар фарзандлари билан муомала қилишда бирини бошқасидан, ўғилларни қизлардан ажратмасликлари керак. Совға беришда, меҳрибончилик кўрсатишда, эркалаш ва илтимосларини бажаришда барча фарзандларни тенг кўриш лозим. Чунки улар орасида совғасаломда тенглик йўқолса ёки бирини койиб, иккинчиси мактаб эркалатилса, ака-ука ёки опа-сингиллар орасида бир-бирига ҳасад қилиш ва кўролмаслик ҳисси пайдо бўлади. Тарбия беришда шошқалоқлик ярамайди. Ёш ниҳолни парваришлаб, ҳосилга киритиш учун бир неча йил кутиш керак бўлганидай, бир фарзандни комил тарбия ва ахлоқ билан зийнатлаш учун кўп йиллар керак бўлади. Таълим-тарбия ота-она ва мураббий-устозлардан узоқ ватқ чидам, бардош, сабр билан иш олиб боришни талаб этади.

Абу Али ибн Сино ўз асарларида соғлом болалар билан бир қаторда, алоҳида ёрдамга муҳтожлиги бўлган болалар тарбиясига оид тавсиялар ҳам берган. Ногирон бола тенгқурлари қатори ўқишга, таълим-тарбия олишга ҳақли эканини айтиб, уларда касб-ҳунар ўрганишга, илм олишга қизиқиш бошқаларга нисбатан кучлилигини таъкидлайди. Ибн Синонинг фикрлари ҳозирги махсус таълим амалиёти ва назариясига ҳар томонлама мос келади [Амирсаидова. Ш. М., 2007].

Оилада бирор нуқсонни бор фарзанд дунёга келса, бутун оиланинг ҳаёти, психик ҳолати, ташқи муҳит билан алоқаси ўзгаради. Ота-она бола ҳаётидаги илк тарбиячилардир. Оилавий тарбия ижтимоий тарбиянинг бир қисми бўлиб, боланинг ижтимоий, эмоционал, хулқий ва бошқа сифатлари шаклланишига биринчи пойдевордир. Шахснинг ахлоқий, маънавий ва ижтимоий ривожланишига таъсир этувчи омиллар орасида оиланинг ролини ҳеч бир ижтимоий фаолият билан таққослаб бўлмайди. Демак, ота-оналар ҳар томонлама маънавий етук инсон бўлиши лозим. Оиладаги бир кишида юз берган жисмоний ёки руҳий ўзгариш бошқаларга ҳам таъсир ўтказди. Шуни таъкидлаш лозимки, психологик жиҳатдан хотиржам оилада тарбияланаётган алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган боланинг жамоага мослашиб кетиши ҳам осон бўлади.

**Юсуф Хос Ҳожиб** XI асрнинг буюк мутафаккири, шоирдир. Унинг ижодидаги бош масалаларидан бири – комил инсон тарбиялашдир. Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” – “Саодатга элтувчи билим” асарида ўзининг этика ва ҳаётга оид қарашларини баён этган. Шоирнинг фикрича, фарзанд кўриш ва унга тарбия бериш ҳар бир инсон учун буюк бахтдир. Уларсиз ҳаётнинг маъноси йўқ. Лекин бу нарса ота-онага жуда катта масъулият юклайдики, унинг урдасидан чиқмоқ, ҳар бир ота-она учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Шунинг учун ҳам оилавий таълим-тарбияни Юсуф Хос Ҳожиб бола ахлоқий тараққиётининг асоси, деб ҳисоблаган: “Агар боланинг хулқи ёмон бўлса, бунда боланинг айби йўқ, ҳамма айб отасида”. Яна унингча: “Яхши ахлоқий фазилатларга эга киши – ҳар қандай қимматбаҳо дурлардан ҳам қимматлидир” [Юсуф Хос Ҳожиб., 1990; 61-62]. Адиб жамиятнинг исломий ва ахлоқий талабларига жавоб бера оладиган инсонни қандай тасаввур қилган бўлса, шу асосда у ўз тамойилларини изчил баён этган. «Қутадғу билиг» асари таълим ва тарбия, маънавий камолотнинг йўл-йўриқлари, усуллари, чора-тадбирларини ўзида мужассамлаштирган, ахлоқ ва одобга доир қимматли маънавий манбадир.

**Имом Ғаззолий** (1058 – 1111). Талим-тарбия борасида Имом Ғаззолий, асосан, ёшларнинг таълим-тарбияси ҳақида тўхталар экан: “Ёшлар тилла тақинчок ва турли зеб-зийнат тақмасликлари лозим. Улар ўтириш, туриш, салом бериш одобларига риоя этишлари, ўзларидан катталар ҳузурида оёқларини чалиштириб ўтирмасликлари, сергап ва сўкувчи бўлмасликлари, беҳаё сўзларни айтмасликлари, хусусан, ёмон хулқли тенгдошларига аралашшишдан эҳтиёт бўлишлари керак”, – дейди [Сулаймон Доған, 2010; 32]. Унинг “Ихёу улумуд-дин” китобида бундай дейилади: “Бола ота-она қўлида бир омонатдир. Қалби турли нақш ва расмлардан пок, нима нақш солинса, қабул қилади, нимага йўналтирилса, ўшанга мойил бўлаверади. Агар яхшиликка ундалса ва ўргатилса, унинг устида ўсаверади, дунё ва охирада саодатли бўлади, ота-онаси ҳамда одоб, таълим-тарбия берганлар барчаси савобига шерик бўлишади. Агар ёмонликка ундалса ва ҳайвон каби бўш қўйилса, ёмонликка учрайди, ҳалок бўлади ва унга қараб турган киши зиммасига гуноҳкорлик тушади” [Муҳаммад ибн Муҳаммад Ғаззолий, 2009; 70]. Бола, энг аввало, ота-онасининг биргаликда тинч-тотув яшашларини, бир-бирига бақариб жанжал қилмасдан, фарзандларини севиб ардоқлашларини хоҳлайди. Жанжаллашаётган ота-онасини кўрган бола руҳан эзилади. Бундай ҳолат бориб-бориб болада айбдорлик ҳиссини ҳосил қилиб, руҳий ҳолатининг бузилишига сабаб бўлади. Ота-онасидан калтак еган, хўрлик кўрган ёки оиласида шафқатсизлик муҳити ҳукм сурган болаларнинг мактаб ёки ижтимоий ҳаётларига назар ташланганда муаммоларни жанжал йўли билан ҳал қилишга ҳаракат қилаётганларига ва ҳар қандай шароитда арзимас ҳодисани ҳам жанжалга айлантирганликларига гувоҳ бўлиш мумкин. Яъни жанжалкаш болаларнинг оилавий ҳаётларига назар ташланса, оилаларда нотинчлик ҳукм сураётганлиги маълум бўлади. Муаммоси бўлган болаларнинг оилаларидаги шарт-шароитлар ўрганилганда, кўпчилик оилаларда ота-оналар орасидаги муносабатларда муаммолар борлиги аниқланди. Физиологик камчилик ҳисобланмаган, лекин

психологик муаммо сифатида баҳоланиши керак бўлган ҳолатлар оиласида муаммо бўлган болалар ёки ўсмирларда кўпроқ кузатилади. Ёлғон гапиришдан ўғрилиқкача, нутқий нуқсонлардан, тагини ҳўл қилишгача, мактабдаги муваффаиятсизликдан уйдан қочишгача бўлган нохуш ҳолатларни келтириб чиқарган болаларга эътибор қаратилганда, уларнинг оилаларида муаммо ёки оила аъзолари билан муносабатларида бузилишлар мавжудлигини пайқаш мумкин. Оилада жанжал тўполонли вазият юзага келганда, болалар бунинг гувоҳи бўладилар, бундай руҳий жароҳат туфайли катталарга нисбатан кўпроқ қайғурадилар. Жанжалларнинг оқибатларини узоқ вақт хаёлларидан чиқара олмайдилар, ҳатто бутун умр бунинг таъсирини сезиб турадилар. Шунинг учун мутафаккирлар болаларнинг тўғри тарбияланишида оиладаги тотувликнинг аҳамияти катта эканини алоҳида таъкидлайдилар.

**Баховуддин Нақшбанд** (1318 – 1389). Ҳазрати Баховуддин Нашқбанд томонидан асосланган Нашқбандия таълимоти Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида жуда катта ўрин эгаллаган. Унинг “Дил ба ёру даст ба кор”, яъни “Доимо кўнглинг яратганда бўлсин, қўлинг эса ишда” ақидаси поклик, тўғрилиқ, меҳр-шафқат, адлу инсоф, имондорлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби илғор умумбашарий фикрлар қатори барча даврларга ҳамоҳанг бўлиб, келажак учун ҳам хизмат қилиб келмоқда [Муҳаммад А., 2008; 197].

**Абдурахмон Жомий** (1414 – 1492)нинг «Баҳористон», «Хиранномаи Искандар», «Туфатул афкор» ва бошқа бир қатор асарларида илм-маърифат, таълим-тарбия, касб-хунар ўрганиш, инсон ижобий фазилатлари ҳақидаги фикрлари ифодаланган. Ислом таълимотида ёш авлоднинг жисмонан соғлом ва бақувват бўлиб улғайишига жиддий аҳамият берилган. Бу ҳақда ҳадисларда: “Фарзандларингизга сузиш ва камон отишни, қизларга касб-хунарни ўргатинглар”, – дейилган [Аскарров А., 1990; 18].

**Алишер Навоий** (1441 – 1501)нинг «Ҳазойин ул-маоний», «Маҳбуб ул-қулуб» ва бошқа шу сингари асарларида етук, баркамол инсоннинг ахлоқи, маънавияти, ўзгаларга муносабати, истеъдоди ва қобилияти тўғрисида қимматли мулоҳазалар юритилган. Ана шу психологик мезонлар ижтимоий адолатнинг қарор топиши учун муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланган. Шунингдек, Алишер Навоий асарларида ёш авлоднинг баркамол инсон сифатида шаклланишида ота-онанинг роли, аёлларнинг ифбатлилиги, кишиларнинг камтарлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар алоҳида ўринни эгаллайди. Алишер Навоий «Хамса»сининг ҳар бир достонида букилмас ирода, қатъиятлилик, итоат, инсонпарварлик туйғулари, ижодий хаёлот, инсоннинг мураккаб ички кечинмалари моҳирона ёритилган. Алишер Навоий бу дунёда илм-хунарсиз, одоб ва тарбия олмасдан ўтишни қўйидаги мисралар воситасида таърифлайди:

Камол эт касбким, олам уйидин,  
Сенга фарз ўлмағай ғамнок чикмоқ.  
Жаҳондин нотамом ўтмак биайни –  
Эрур ҳаммомдин нопок чикмоқ.

Ота-оналар фарзандларини тарбиялаётганларида эътибор беришлари керак бўлган яна бир муҳим масала уларнинг бирдамлигидир. Таълим ва тарбияда муваффақиятга эришиш ана шу хусусиятларга эътибор берилиши натижасида амалга ошади. Ота-она бирдамлигидан ташқари, фарзандларни ўз ҳаёт тажрибаларига таянган ҳолда тушунишлари ва шунга кўра муносабатда ўрнатилган бўлишлари муҳим.

**Абдулла Авлоний** (1878 – 1934)нинг оила педагогикаси ва психологик фикрлари ҳам диққатга сазовордир. Абдулла Авлоний: “Педагогия – бола тарбиясининг фани, – дея таъкидлайди. – Болани тарбия қилувчилар табиб каби дирлар. Табиб касалнинг баданидаги касаллигини даво қилгани каби тарбия боланинг вужудига “яхши хулқ” деган давони ичидан, “поклик” деган даъвони сиртдан бериб, катта қилмоқи лозим”, – дейди [Авлоний А., 1992; 16]. Боланинг мукамал тарбияси нафақат оилага, балки мактаб ва жамоат ташкилотларига ҳам боғлиқлигини эътироф этиб, тарбия масаласини умуминсоний вазифалар даражасида талқин этган. Унинг фикрича, болаларда ахлоқий хислатларнинг таркиб топишида ижтимоий муҳит, оилавий шароит ва боланинг атрофидаги кишилар ғоят катта таъсир кучига эга. Боланинг шахсий сифатларига тўхталиб, унда оиланинг ролини кўрсатар экан: “Қуш уясида кўрганини қиладур”, – дейди [Қодиров Б., 2001; 27].

«Инсон жавҳари қобилдир, агар яхши тарбия топиб, бузуқ хулқлардан сақланиб, гўзал хулқларга одатланиб катта бўлса, ҳар ким қошида мақбул бахтиёр бир инсон бўлуб чиқар». Олим бола тарбиясида оиланинг ролини бирламчи қилиб кўяди ва: “... тарбияни туғилган кундан бошламоқ лозим экан. Тарбияни ким қилур? қайда қилинур? деган савол туғилади. Бу саволга “биринчи уй тарбияси – бу она вазифасидир. Иккинчи, мактаб ва мадраса тарбияси бу ота, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидир” – дейилган [Авлоний А., 1992; 60].

**Аваз Ўтар** (1884 – 1919) мумтоз адабиётда ғазал, мухаммас, мустазод, мусамман, мураббаъ, муламмаъ, таржеъбанд, сойнома, рубоий, қитъа, фард каби жанрларда ижод этган шоирдир. У ўзининг қисқа умри давомида шеърларини бир жойга тўплаб девон тартиб қилди ва уларни “Саодат ул-икбол” (Бахтли иқбол) деб номлади. Унинг мактаб ва тил ўрганиш ҳақидаги шеърлари жуда машҳурдир [Мусурмонова О., 1993; 64].

Илмсиз инсонни мевасиз дарахтга ўхшатиш мумкин. Чунки илмсиз кишиларнинг ота-онасига, қариндошларига, дўстларига, жамиятга, юртига нафи тегмайди. Таълим-тарбия кўриб, илм олган олим, комил инсонлар ҳар ерда азиз ва ҳурматлидирлар ҳамда жамиятнинг маданиятига, маърифат дунёсига, маънавиятнинг юксалишига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Азал-азалдан Шарқ (Ўрта Осиё, Туркистон) маданияти қатор иқтидорли олимларни тарбиялаб етиштирганлар, улар эса жаҳон халқларининг умумий маданий ривожланишига жуда катта ижобий таъсир кўрсатганлар. Шарқда яшаб ўтган олим, мутафаккир, алломалар томонидан яратилган ва мерос қилиб қолдирилган ноёб асарлар ҳамда ўғитлардан фойдаланиб, таълим-тарбиянинг янги босқичи ва даврларида ривожланишни қиёсий таҳлил қилиш мумкин.

Шарқ мутафаккирларининг барчасини ғоявий жихатдан бирлаштирган асос шу бўлганки, улар шахс тарбияси ва камолотида оилани, оилавий тарбияни юқори қўйишган, айниқса, шахснинг ақлий ва ахлоқий камолотида тарбиянинг ўрнига, ота-она ва яқин кишиларнинг йўналтирувчи ва тарбияловчи вазифаларига алоҳида эътибор беришган. Улар фақат оилавий тарбиядагина ривожланиши мумкин бўлган сифатлар: ҳалоллик, поклик, мардлик, сўзамоллик, меҳрибонлик, ҳақгўйлик каби қатор фазилатларни барча сифатлардан юқори қўйишлари билан бирга, кишидаги инсоний муносабатларда намоён бўладиган юксак фазилатлар, аввало, ота-онадан болага ўтиши ва уларнинг жамият тараққиётига ижобий таъсир этиши каби қимматли фикрларини, бу борадаги амалий кўрсатмаларини ўз фалсафий-этик, социологик ва психологик қарашларида ифодалаб берганлар [Маҳкамов У., 1994; 25].

Юқоридаги қисқача таҳлилдан кўриш мумкинки, Шарқ мутафаккирлари ёшларнинг таълим-тарбияси муаммолари билан жиддий шуғулланиш лозимлигини таъкидлаб ўтганлар ва шу хусусда ўзларининг қимматли фикрларини, хулосаларини келгуси авлодлар учун қолдирганлар. Хуллас, болани ёшлиқдан тўғри тарбиялш, уларни ҳар бир ҳаракатига, нуқсон ва камчиликларига эътибор қаратиш лозимлиги тўғрисидаги қарашлари ҳозирда инклюзив таълимни ташкил этишда ҳам ўз ижобий самарасини беради.

Шарқ мутафаккирларининг қарашлари, дунё миқёсидаги етакчи фикрларга таянган ҳолда миллий инклюзив таълимни ташкил этишда қуйидаги шартлар устувор аҳамият касб этишини таъкидлаш мумкин:

- инклюзив таълимга малакали фаол раҳбар ва педагогларни жалб этиш;
- инклюзив таълим ташкил этилган муассасаларда соғлом, дўстона педагогик-психологик муҳитни шакллантириш, педагогларни қўллаб-қувватлаш;
- инклюзив таълим ташкил этилган муассасаларда синф ўқитувчиси ва педагоглар малакасини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;
- инклюзив таълимни ташкил этиш учун таълим муассасаларини зарур ўқув қўлланмалари, ёрдамчи восита ва материаллар билан таъминлаш;
- оила, мактабгача таълим муассасалари, маҳаллалардан алоҳида эҳтиёжга муҳтожлиги бўлган барча болаларни ахтариб, инклюзив таълимга жалб этиш;
- ота-оналарга мунтазам равишда педагогик-психологик маслаҳатлар, тавсиялар бериб бориш, инклюзив таълим-тарбия жараёнини ҳамкорликда ташкил этиш;
- инклюзив таълимда ижтимоий, психологик ва соғлиқни сақлаш хизматларини мувофиқлаштириб бориш ва ҳк.

Инклюзив таълим амалиёти таълим хизматларини ташкиллаштириш ва уларга фундаментал, ҳақиқий ўзгаришлар киритишни талаб этади. Махсус таълим эҳтиёжларининг киритилишини шундай ўзгаришлардан бири деса бўлади. Боланинг махсус таълимга эҳтиёжи бор дейиш, таълим соҳасидаги мақсадларига етишиши учун аниқ, қисқа ва узоқ муддатли педагогик-психологик ёрдам ва хизматларга муҳтожлик демакдир. Таълим муассасалари турли тоифадаги ўқувчиларга хизмат қилиши керак. Бу мақсадга эришиш учун махсус таълимга

мухтожлиги бўлган ўқувчилар учун оддий синф хоналари ва ўқитувчи ҳақиқий таълим баъзасига, мактаб раҳбари эса бу борадаги эҳтиёжларни кондирувчи шахсга айланиши керак. Жавобгарлик синф ўқитувчисидан олиб, бошқа мутахассисларга бериб қўйилмаслиги керак. Бунинг ўрнига, улар иккаласи уюшган ҳолда ўзаро иш олиб боришлари лозим. Бу каби ривожланишга бутун таълим муассасалари ислоҳотларидаги изланишлар сифатида қаралиши керак.

Дарҳақиқат, инклюзив таълим ташкил этилган муассасаларда раҳбарият ва педагоглардан алоҳида эътиборга мухтож бўлган ўқувчиларни эҳтиёжларини кондириш, шунингдек педагоглар кучли тайёргарликга эга бўлишлари лозим. Инклюзив таълимга нуқсони бор болаларнинг касаллигига қараб энгил даражали алоҳида эътиборга мухтож бўлган ўқувчилар жалб қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Махсус таълимга мухтож болалар ҳозирги пайтда оддий мактаб тизимига қабул қилинмаяпти. Чунки ҳозирги тизим уларни қабул қилишга тайёр эмас. У махсус таълимга мухтож болаларнинг талабларига жавоб бера олмайди. Инклюзив таълимда ҳақиқий ривожланишга эришиш учун бундай имконсизлик тан олинмиши ва унга ўзгартиришлар киритилиши лозим. Шу сабабли инклюзив таълим интеграциясига мактаб ислоҳоти сифатида қаралиши зарур. Унинг мақсади мавжуд аниқ дастурлар доирасида барчага бирдай таълим берувчи мактаб тизимини яратишдан иборат бўлмоғи лозим. Ҳозирги вақтда кичик ногиронлиги бўлган болаларнинг таълим олиш даражаси йилдан-йилга ошиб борилаётганлиги келажакда аниқ дастур асосида мактаб тизимини яратишга замин бўлади. Қисқа қилиб айтганда, махсус мактаб-интернатларда таълим олаётган энгил ногиронлиги бўлган ўқувчилар инклюзив таълимга жалб этилиши лозим. Таълимни режалаштирувчилар умумий қабул қилинган 10% кўрсаткични турли зарур муаммоларни ҳал қилиш ва махсус диққат-эътиборга мухтож болаларга ёрдам бериш учун асос қилиб олишлари мумкин. Махсус диққат-эътибор деганда, ногиронлиги оғир болаларга хизматлар кўрсатиш, уни олдиндан аниқлаш, ёрдамни тўғри ташкил қилиш, ўрта ва энгил ногиронликлари бор бўлган болаларга керакли ёрдамлар бериш зарур бўлади. Ногиронлик даражаси ўта оғир бўлган болаларнинг сони кам ва ногиронликнинг оғирлик даражаси пропорционал равишда камайиб боради. Махсус таълимга мухтож болаларнинг 80%га оддий мактабга керакли ўзгартиришлар киритиш орқали ва махсус эҳтиёжлар таълимининг бошланғич тренингларидан ўтган оддий мактаб ўқитувчилари ёрдамида кўмак бериш мумкин. Ўртача даражадаги ногиронлиги бўлган болаларга оддий синф хоналари ёки махсус гуруҳ ёхуд бўлимларда чуқурлаштирилган ёрдамлар кўрсатиш орқали кўмаклашиш мумкин. Улар малякали ўқитувчиларга мухтождирлар. Улар 5%дан камроқни ташкил қилувчи оғир ногирон ўқувчилардир.

Олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида ногиронлиги бўлган болаларнинг касаллик даражалари ўрганилиб қуйидаги диаграммада касаллик даражалари фоизларда тақсимланиши келтирилган. Бу диаграммада ногирон болаларнинг асосий фоизини энгил даражали алоҳида эътиборга мухтож бўлган

болалар ташкил этишини кўриш мумкин. Бундай фоиздаги алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болаларнинг инклюзив таълимга эҳтиёжи борлигидан дарак беради.

### FORDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Avesto – ulkan ma'naviy meros. H. Homidiy tahriri ostida. – T: O'qituvchi, 2001. – 49 b.; Mahmudova N.D. Avestoda ta'limiy-axloqiy qarashlar. Ped. fan. nomz. ... diss. –T., 2005.
2. Ma'naviyat yulduzlar. –T: Abdullar qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 1999. – 76 b.; Asqarov A. Va boshqalar. Axloq-odobga oid Hadis namunalari. –T.: Fan, 1990.
3. Quronov M. O'zbekiston umumiy o'rta ta'lim maktablarida milliy tarbiyaning ilmiy-pedagogik asoslari. Ped.fan.dok....diss. – T., 1998. – 114 b.
4. Forobiy Abu Nasr. Fozil odamlar shahri. – T.: Yulduzcha, 2008. – 4 b.
5. Qodirov B.G'. Komil inson tarbiyasining pedagogik asoslari. – T.: Mehnat, 2001. – 95 b.
6. Pedagogika tarixi (Abu Rayhon Beruniy). A. Zununova tahriri ostida. –T.: Ma'naviyat, 2008. – 9 b.; Abu Rayhon Beruniy. Minerologiya. – T.: 1996.
7. Ibn Sino Abu Ali. Donishnoma. A.Irisov tahriri ostida. Dushanbe:Rfon, 1996. –75 b.
8. Ma'naviyat yulduzlari. –T: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 1999. – 51–56 b.
9. Yusuf Xos Hojib. Qutadg'u bilig. – T.: Юлдузча, 1990. – 61 – 62-б.
10. Sulaymon Dog'an. Baxtli oila – baxtli farzand. – T.: Yurist-media markazi, 2010. – 32 b.
11. Muhammad ibn Muhammad G'azzoliy. Ihyou ulumud-din. 3-juz. – T.: Cho'lpon, 2009. – 70 b.;
12. Muhhamad Atiya. Islomiy tarbiya va uning falsafasi. – T.: Fan, 2008. –197 b.
13. Asqarov A. Va boshqalar. Ahloqiy-odobga oid Hadis namunalari. –T.: Fan, 1990. 18 b.
14. Ortiqov N. Milliy va umuminsoniy qadriyatlar asosida o'quvchi shaxsini axloqiy shakllantirish. Ped. fan. dok. ...diss. –T., 2000.
15. Ma'naviyat yulduzlari. – T: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 1999.
16. Qodirova B.G'. Komil inson tarbiyasining pedagogik asoslari. – T.: Mehnat, 2001. – 27 b.
17. Avloniy A. Turkiy guliston yohud axloq (inson odobidan mumtoz namunalari). – T.: O'qituvchi, 1992. – 60 b.
18. Musurmonova O. Yuqori sinf o'quvchilari ma'naviy madaniyatini rivojlantirishning pedagogic asoslari. Ped. fan. dok. ...diss. – T. 1993. – 64 b.
19. Mahkamov U. Axloq-odob saboqlari. – T.: Fan, 1994.
20. Me'yorlashtirish tamoyili nogironlikka ega bolalar uchun inklyuziv ta'limning asosi sifatida [htt:www.uzdenometr.com/docs/](http://www.uzdenometr.com/docs/)